



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 14 октябрь, № 223 (8285)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОСТОНА САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

13 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда кенгашга аъзо 50 га яқин мамлакатлар ва кузатувчилар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари қатнашди.



Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Фаластин Давлати Президенти Маҳмуд Аббос, Қатар Давлати Амири Тамим бин Ҳамад бин Халифа Ал Таний, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Ван Цишань, Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар! Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлашдан мамнунман. Учрашувимизни юқори савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан. Шунингдек, Кенгаш фаолияти юзасидан бугун бу ерда билдирилган баҳолари ҳам маъқуллаймаман. Утган давр давомида ушбу тузилма хавфсизлики таъминлаш, Осиёда ўзаро ишонч ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан кенг ва очик мулоқот учун муҳим майдон сифатида ўзининг ғоят зарур эканини кўрсатди. Форумимизни трансформация қилиш масаласи бўйича қўшма фаолиятда иштирок этишга тайёрлигимизни билдираман.

Хурматли саммит иштирокчилари! Бугун биз халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ортиб, мулоқот ва ишончнинг мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганига гувох бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига пугур етказмоқда, можароларнинг авж олишига сабаб бўлиб, глобал иқтисодиётда тизимли зулишларга олиб келмоқда. Юзага келган янги геосиёсий воқелик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилмоқда, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича бизнинг саъй-ҳаракатларимизни секинлаштирмоқда. Ушбу омилларнинг умумий хавфсизлик борасидаги манфаатларга, тараққиёт ва фаровонлигимизга таъсиридан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратишимиз зарур. **Биринчидан.** Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб этмоқда.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 октябрь куни Остона шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида қатор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.



Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан учрашувда кенг қўламли стратегик шериклик му-

қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва янги ишбилармонлик ташаббусларини амалга ошириш, Туркия етакчи компанияларининг мамлакатларида давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Жорий йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий



рали мулоқотни кенгайтиришга келишиб олинди. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев**

ли ҳамкорлик кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил ноябрь ойида Самарқандда бўладиган саммитга тайёргарлик



носабатлари ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан олий даражада эришилган келишувларнинг амалга оширилиши кўриб чиқилди.

миздаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Фаол гуманитар алмашинувларни, энг аввало, маданият ва таълим соҳа-

давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Вазирларнинг "Ўзбекистон — Туркия — Озарбайжон" форматидаги мунтазам учрашувлари доирасида сама-



ўзига ажратилган қароргоҳда Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Бағдад Амреевни қабул қилди. Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги мулоқот фаоллашиб, кўп қирра-

қўриш ва уни ўтказиш жиҳатлари кўриб чиқилди. Давлат раҳбарларининг мажлиси арафасида кун тартибини ҳамда савдо, инвестиция, транспорт, ахборот-комму-

никация технологиялари ва гуманитар алмашинув бўйича кўп томонлама ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида вазирлар даражасида қатор учрашувлар бўлиб ўтади.

Ташкилот саммитини пухта тайёрлаш учун ушбу нуфузли минтақавий тузилма котибияти билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф бошчилигидаги делегация билан ҳам музокара ўтказди.

Аввал эришилган келишувларга мувофиқ, икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари савдо-иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун мавжуд салоҳият ва кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этдилар.

Афғонистонда тинчлик жараёнига ва ижтимоий-иқтисодий тикланишга қўмақлаш мақсадида Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Вьетнам делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Президенти Нгуен Суан Фуннинг самимий саломини етказди.

Музокара чогди шолчилик, пахтачилик, гўшт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик маҳсулотларини, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва электроника ишлаб чиқариш каби истиқболли йўналишларда ҳамкорлик қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш мақсадида яқин ойлarda экспертлар даражасида ўзаро ташрифлар ўтказилиши, Ҳукуматлараро комиссия фаолияти қайта тикланиши ҳамда Ўзбекистон — Вьетнам Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилиши юзасидан келишиб олинди.

Парламентлараро муносабатларни йўлга қўйиш, таълимга оид ва бошқа қўшма гуманитар дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ VI САММИТИДАГИ НУТҚИ

Афсуски, бошқа ўткир халқаро муаммоларнинг етакчи ўринга чиқиши натижада Афғонистон масаласи иккинчи даражада қолиб қолди...

Сирнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда, экстремистик ташкилотларга ёшлар фаол жалб этилмоқда...

Китъасида ўзaro боғлиқликни биринчи галда ишлаб чиқариш-логистика заңжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган транспорт йўлакларини яратиш ҳисобидан кўчайтириш муҳимдир...

Қўпи Осиё китъасида яшamoқда. Парадокс шундан иборатки, бир вақтинчи ўзида айнан бизнинг мамлакатларимизни жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади...

Хурматли дўстлар! Ишончим комилки, замонавий таҳдидларни факатгина мулоқот, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш, умумэтироф этилган халқaro ҳуқуқ меъёрларига амал қилиш орқали самарали енгиб ўтиш мумкин...

Остона саммитидаги Ўзбекистон ташаббуслари

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) — хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо ва иқтисодий шериклик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган халқаро форум...

Бугунги кунда ОХИЧКда 28 та давлат иштирок этмоқда. Яна 9 та мамлакат ва 5 та халқаро ташкилот кузатувчилар мақомига эга. ОХИЧКнинг олий органи Давлат ва ҳуқуқлар раҳбарларининг саммити ҳисобланади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида дунёдаги вазиятга баҳо бeraр экан, халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ўсиб, мулоқот ва ишонч мисли қўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганини қайд этди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Осиё мамлакатлари иқтисодиётини глобал инқирознинг ўсиб бораётган салбий оқибатларига мослаштириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, глобал бозорларни беқарор қиладиган янги чекловлар жорий этилишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқариш-логистика заңжирини ва минтақаларни самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш, билимлар иқтисодиётини илгари суриш, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

Минтақада ўзaro боғлиқликни кўчайтириш - Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш доирасидаги шерикликнинг устувор йўналиши

Кеча Қозоғистон пойтахтида 50 га яқин аъзо ва кузатувчи мамлакатлар, халқaro ва минтақавий ташкилотлар делегациялари иштирокида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК)нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги нутқида бугунги кундаги халқаро вазиятга баҳо берди, шунингдек, иқтисодий интеграцияни қўқурлаштириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда озиқ-овқат

Дунё нигоҳи



Ри Ик ХЭН, Муховон университети проректори (Жанубий Корея): Президент Шавкат Мирзиёев ОХИЧКнинг навбатдаги саммитидаги нутқида мазкур кенгаш бугунги кунда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим элементига айланган учун нийоятда зарур эканлигини таъкидлади...

хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Афғонистон муваққат ҳуқуқати билан ўзaro ҳамкорлик бўйича умумий, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ишонч чораларини қўллаш бўйича муносабатларда

Ўз навбатда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида илгари сурилган ташаббуслар кенг жамоатчилик, ҳумладан, хорижий мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари томонидан фаол ўрганилмоқда.

Дарвоқе, Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ақнида Ўзбекистонда бўлиб ўтган ШХТ саммити ақнида қабул қилинган умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик бора-сида Самарқанд ташаббусининг асосий мақсади инсоният келажаги учун бефарқ бўлмаган, тинчлик, то-тувлик ва биргаликда гуллаб-ёшнаш учун интиляётган барча соғлом кучларни амалий мулоқотга жалб этишга қаратилганини эслатиб ўтди. Қуруниб турибдики, "Самарқанд ташаббуси"нинг мақсади нафақат Осиё китъаси мамлакатларида тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, балки халқaro муносабатларда ўзaro ишонч ва барқарорликни тиклашга ҳисса қўиш, шунингдек, ўзaro ҳамжиҳатликни мустақамлашдан иборат, геосиёсий рақобат, мафкуравий қарама-қаршилик ва тортишувлардан холи кенг мулоқот майдонини яратишга қаратилган.



Хари НАРАЙАНАН, Осиё — Тинч океани технология ва инновациялар университети ректори (Малайзия): "Дунёдаги ҳозирги мурақаб геосиёсий ва иқтисодий вазият шароитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар жуда долзарб аҳамиятга эга. Иқтисодиётларимиз глобал инқирознинг кучайиб бораётган салбий оқибатларига мослашиши зарур, деган фикрга тўлиқ қўиш-ламан. Шу нуқтан назардан, Осиё минтақасида ўзaro боғлиқликни мустақамлаш, биринчи навбатда, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали ҳамкорликни боғлайдиган ишлаб чиқариш ва логистика заңжирлари ҳамда транспорт йўлакларини яратишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ташаббуслар ҳам глобал санат инқилобининг янги босқичига ўтиш, ҳумладан, инновациялар трансфери салоҳиятини тўлиқ фойдаланиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, "булутли технологиялар", сунъий интеллектни ривожлантиришга қатор қизқиш билдирилмоқда. Бу соҳаларда Осиё давлатлари, хусусан, Малайзия глобал етакчилиги биргаликда эришиш учун шерик давлатлар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан барча имкониятга эга. Ишончим комилки, ОХИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги кейинги яқин мулоқотлар, шуёқасиз, Осиё минтақасида савдо-иқтисодий, инновацион ва технологик ҳамкорликни кенгайтиришга ҳизмат қилади.

«Дунё» АА.

БИРДАМЛИК БОР ЖОЙДА ТАРАҚҚИЁТ БЎЙИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13-14 октябрь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган иқтисод саммит — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида иштирок этмоқда. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) китъамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, ҳамкорликни мустақамлаш, мамлакатлар ва халқlar фаровонлигини оширишга қаратилган халқaro форумдир.

Нўқтаи назар

Кенгашга бугунги кунда минтақа ҳудуди ва аҳолисининг 90 фоизини қамраган 28 давлат аъзо. Тўқиз мамлакат ва бешта нуфузли халқaro ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Араб давлатлари лигаси, Халқaro миграция ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти Парламент Ассамблеяси унинг кузатувчиларидир. 2007 йил октябрь ойида ОХИЧК БМТ Бош Ассамблеясида кузатуви мақомини олган. Шунингдек, тузилма Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Халқaro миграция ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамда ШХТнинг Минтақавий ақсилтеррас тузилмаси билан ўзaro Ағлашуви меморандумларини имзолаган.

Бугунги кунда ҳамкорлик инқирозига ўз тутмоқда. Зеро, мамлакатлар ва халқlar ўртасидаги ишонч хавфсизлик ҳамда барқарорликнинг энг муҳим шартидир. Барчамиз жaҳон куч марказлари ўртасида рақобат қўчашиб бораётганининг нувоҳи бўлмоқдамиз. Боз устига, айрим экспертлар, у ҳатто ошкora қуролли тўқнашувга айлиниб кетиши эҳтимолини ҳам инкор этмайтипти. Энг дахшатлиси, жамоат онгда ушбу глобал халқаро таркин улкан хавфини ҳис қилиш суъайиб бораётганида. Назаримизда, ишонч инқирозини бартараф этиш ва хавфсизликни мустақамлаш йўлида, биринчи навбатда, инсон капиталини ривожлантириш учун қўлай шартроилар яратиш зарур. Шу муносабат билан ўзaro ҳурмат ва жамоавий масъулятига асосланган кенгаш фаолияти ҳар қанчонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон қайси минбарда бўлмасин, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, бу йўлдаги жиддий тўсиқ — Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасида муҳим ташаббусларни илгари суриб келган. Утган йили Душанбедаги саммитда ҳам, 13 октябрь куни Остонадаги учрашулда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13-14 октябрь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган иқтисод саммит — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида иштирок этмоқда. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) китъамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга, ҳамкорликни мустақамлаш, мамлакатлар ва халқlar фаровонлигини оширишга қаратилган халқaro форумдир.

Ёш етакчилар форуми доирасида бундай илк учрашуви 2023 йил апрель ойида Самарқандда ўтказиш масаласи ўртага ташланди. Халқaro миқёсдаги қуролли жоғролар, қарама-қаршиликлар дунё иқтисодиётини та-назуул ҳолатига келтирди. Шунинг учун Осиё давлатлари иқтисодиётларининг глобал инқирознинг ўсиб бораётган салбий оқибатларига мослашуви долзарб вазифага айланган. Давлатимиз раҳбари фикрича, протекционизмининг қўчаишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган омилларни, жумладан, янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик, Осиё китъасида ўзaro боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика заңжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш ҳисобига қўчайтириш муҳим.

Президентимиз саммитда яна бир долзарб масалани илгари сурди. У ҳам бўлса, озиқ-овқат инқирозининг олдини олиш билан боғлиқ, Яқин биламизки, айрим сабабларга қўра, сайёрамизда энергия ресурслари ва озиқ-овқат нархлари ошиб кетди. Китъамизнинг қўллаб-қувватлари эса истемол маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари ҳисобланади ва айни чоғда озиқ-овқат инқирозининг оқибатларини яққол ҳис этмоқда.

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ҲАО) озиқ-овқатларига қўра, очлиқдан азият чекаётган сайёрамиз аҳолисининг яримдан кўпи Осиё китъасида яшайди. Қизиги шундаки, бир вақтинчи ўзида айнан Осиё мамлакатлари жаҳоннинг етакчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлатлари ҳисобланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари озиқ-овқат ишлаб чиқаришининг барқарор тизимларини ва уни етакзиб беришнинг оптимал заңжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш яхлит тизимини яратиш масаласини илгари суриб, ушбу вазифаларни ҲАО шафелигида келгуси йили Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган халқaro конференцияда муҳокама қилиши тақлим этди. Шуёқасиз, озиқ-овқат нархлари барқарорлигини сақлашнинг энг муҳим омилларидан бири иқлимни, табиатни асраш билан боғлиқ, Экология ва иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш учун сай-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда жадал қўқаламзорлаштириш ва экотизимлар боғлиқлигини

қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича "Яшил Осиё" концептуал дастурлари доирасида доимий эксперт маслақатлашувларини йўлга қўиш тақлифи ҳам долзарблиги билан ажралиб туради. Хавфсизлик — яхлит тушунча. Бу борада Осиё минтақасидаги ҳамкорликнинг маҳжуд динамикасини сақлаб қолиш муҳим. Биргаликда иланиш ва ўзaro манфаатли қарорлар қабул қилиш тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш сингари эзгу мақсадларга эришиш имконини бeraди. Аъзо давлатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига содиқлигини таъкидлаб, Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликка мулоқот ва ҳамкорлик орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама ёндашувларни ишлаб чиқиш орқали ҳамкорликни кўчайтириш, терроризм хавфининг барча шақли ва қўришларини йўқ қилиш, ноконуний гиёванд моддаларни ишлаб чиқариш ва одам савдосига қарши курашиш, минтақада фаровонлик, барқарорлик учун савдо-иқтисодий шерикликни ривожлантириш, атроф-муҳит билан боғлиқ барча масалалар бўйича ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш ва келгусида уларнинг буткул йўқ этилишига эришиш, гуманитар масалаларини ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш, тамаддуллар ўртасидаги ўзaro ҳурмат, тушуниш ва бағрикенгликни рағбатлантириш ҳамда аъзо давлатлар ўртасида ишончли мустақамлаш чораларини амалга оширишга ёрдам бериш мазкур кенгашнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чораларини мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуига қўра, ҳамкорлик ва ишонч чоралари шартли равишда 5 та кен йўналишига бўлинган бўлиб, улар иқтисодий, атроф-муҳит ва экология, инсонийлик, янги чиқариқлар ва таҳдидлар, ҳарбий ва сиёсий мезонларни ўз ичига олган. 2020 йил ноябрь ойидан эътиборан Ўзбекистонга инсоний ўлмувдаги ишонч чоралари бўйича мувофиқлаштирувчилик роля юкланган. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ОХИЧК Ёшлар кенгаши фаолиятида ҳамраис сифатида иштирок этмоқда. 2021 йил Ўзбекистон Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ОХИЧК Таҳлил марказлари форумининг доимий аъзоси этиб белгиланган. Мухтасар айтаганда, мамлакатимиз ушбу кенгаш доирасида Осиё минта-



Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети ректори, кимё фанлари доктори. Дай вазиятларнинг олдини олишга, миллий манфаатларни пойма бўлишига йўл қўймасликка, Ўзбекистон билан шерикликдан манфаатдор бўлган ҳар бир томон учун тенг ҳуқуқли, ўзaro фойдали муносабатларни таъминлашга қаратилган. Бу мақсадга эришиш воситалари сирасига яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан мувозаанатли стратегик шериклик тизимини шакллантириш, қўиш давлатлар билан конструктив ва яхши қўишчилик муносабатларини ривожлантириш, глобал даражада кескин ўзгаришларнинг кенг миқёсдаги таъсирини юмшатишга ёрдам бeraдиган барқарор минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш каби йўналишлар кирди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг глобал ва минтақавий кўчлар ўртасидаги рақобат минтақаси ёки таъбир жоиз бўлса, "ким катароқ дов тикса, бутун ютқун" элга оладиган" ўйин майдонига айлинишидан манфаатдор эмас. Ақсинча, мамлакатимиз минтақа барча кўчларнинг ўзaro ҳамжиҳатлиги ва конструктив ҳамкорлик мақоми бўлиши тарафдоридир. Ҳар бир иштирокчи ўз манфаатини топа оладиган шароитни таъминлашга қаратилган тенг ҳуқуқли ва муштарак манфаатлар асосида қўрилган мулоқот тарафдори сифатида ўз ташқи сиёсатини қатъий давом эттиради. Ишончкимиз, ОХИЧКга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона учрашуви ҳам Осиёда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш, ишонч ва хавфсизлик чораларини мустақамлаш каби эзгу мақсадларга ҳизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Электрон рақамли имзо тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 26 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ibорат.

2-модда. Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилик

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан ibоратдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: **электрон рақамли имзо** – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартишлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида элекрон ҳужжатдаги ахборотда хатolik мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо;

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати – электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мувофиқлигини тасдиқлайдиган электрон ҳужжат;

электрон рақамли имзо калитининг эгаси – ўзига электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилган жисмоний ёки юридик шахс;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси учун очиқ бўлган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш – электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатolik мавжуд эмаслигини текширишнинг ижобий натижаси;

электрон ҳужжат – электрон шаклда кайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реқвизитларига эга бўлган ахборот.

4-модда. Электрон рақамли имзонинг ва қўлда шахсан қўйилган имзонинг бир хил аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш шартлари

Бир вақтинч узида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қoғoз ҳужжатга қўлда шахсан қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эга бўлади, агар: электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса; электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш пайтида ёхуд имзолаш пайтини белгилoвчи далиллар мавжуд бўлганда электрон ҳужжатни имзолoш пайтида амалда бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатигада кўрсатилган максадларда фойдаланилаётган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга бир вақтинч ўзида риоя этилган тақдирда, юридик шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган қoғoз ҳужжатга тенглаштирилади.

5-модда. Электрон рақамли имзо воситалари ва улардан фойдаланиш

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очиқ калитлари яратилишини таъминлайдиган техник ва дастурий воситалар мажмуидан ibоратдир.

Электрон рақамли имзо воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ўртасидаги оидларалоар электрон ҳамкорлик миллий стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш қoғида миллий ва халқро (минтақавий) стандартлар асосида ишлаб чиқилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг «булутли технологияларида» (ишончли саклаш тизимида) электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш камда икки омилли аутентификация қилиш тартиб-таомилидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатлар учун электрон рақамли имзо калитига нисбатан қўшимча талаблар қўйилиши мумкин.

2-боб. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

6-модда. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан ibорат: электрон рақамли имзодан фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техник ва бошқа шарт-шароитлар яратиш; электрон рақамли имзонинг мавжуд бўлиши талаб қилинадиган электрон хизматлар барча турларининг очикилигини ва сифатини таъминлаш;

мажбурий техник талаблар, нормалар ва қоидаларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги илмий-техник тадқиқотларни рағбатлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш; давлат-хусусий шериклики ривожлантириш;

илгор инновация, ахборот ва коммуникация технологияларининг жорий этилишига қўмақлаш;

халқро ҳамкорлики ривожлантириш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари орқали электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини бериш тартибини белгилайди;

Ишончли учинчи тараф хизматининг фаолияти тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буюн матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи: электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги стандартлар, нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини аккредитация қилишни ва қайта аккредитация қилишни амалга оширади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларига электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини беради, шунингдек Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юрятади;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолиятини назорат қилади ва камчиликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига кўра рўйхатга олиш марказларига тегишли бўлган электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлашни амалга оширади;

Ишончли учинчи тараф хизматининг фаолиятини ташкил этади. Ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолияти

9-модда. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази

Қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган ва Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказидир (бундан буюн матнда рўйхатга олиш маркази деб юритилади).

Рўйхатга олиш маркази ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган электрон рақамли имзо калитига эга бўлган шахслар электрон рақамли имзонинг мавжуд бўлиши талаб қилинадиган давлат хизматларининг барча турларидан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

10-модда. Рўйхатга олиш марказининг фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар

Рўйхатга олиш маркази: электрон рақамли имзони яратиш ва текшириш учун ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий таъминотга; электрон рақамли имзолар калитларининг сертификатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш ва саклаш учун ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий таъминотга; тарқатилиши чекланган ахборотнинг сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларга;

ахборот хавфсизлиги, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган зарур хоналарга эга бўлиши керак.

Рўйхатга олиш марказларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот тизимларидаги ҳамда ресурсларидаги маълумотлар қонунга хилоф равишда тарқатилишининг, ўғирланишининг, йўқолишининг, яхлитлиги бузилишининг, блоклянишининг ҳамда қалбақлаштирилишининг олдини олиш мақсадида рухсатсиз фойдаланишдан (киришдан) ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Рўйхатга олиш марказини устав фондида (устав капиталига) чет давлат резидентининг улуши ўттиз ва ундан ортiқ фoиз бўлган юридик шахслар томонидан ташкил этишга йўл қўйилмайди.

11-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

аккредитация қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқилиши ҳамда аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши;

аккредитация қилинганлик тўғрисида гувоҳнома бериши;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериши. Аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон ҳужжат тарзида яратилади.

12-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли давлат органига берилади.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилади: муассис тўғрисидаги маълумотлар; рўйхатга олиш марказининг номи, жойлашган ери (почта манзили), мақсади ва вазифалари.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

рўйхатга олиш маркази муассисининг устави (низоми); аризачи-ташкilotнинг раҳбари тўғрисидаги маълумотлар; ваколатли давлат органи билан ҳамкорлик қилиш учун танланган шахсга нисбатан ишонч хати;

электрон рақамли имзонинг очиқ калити (мавжуд бўлганда) ва унинг қўлланилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Ваколатли давлат органи рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва маълумотларни ахборот ҳамкорлиги тизими воситасида мустақил равишда олади.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги аризани бериш чоғида тақдим этилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, аризачи бу ҳақда ваколатли давлат органини Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали уч иш куни ичида хабардор қилиши керак.

13-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш

Ваколатли давлат органи рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда аризани кўриб чиқади ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги учун ҳақ ундирилмайди.

14-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳнома рўйхатга олиш марказига Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда, электрон тарзда ваколатли давлат органи томонидан берилади. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ваколатли давлат органининг ахборот ресурсида сақланади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рўйхатга олиш марказининг аризасига асосан, амал қилиши беш йилгача бўлган муддатда берилади.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган тақдирда (йўқотилганда, йўқ қилинганда ва бошқа

ҳолларда), уни тиклаш рўйхатга олиш марказининг аризасига асосан ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

15-модда. Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ушбу Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган талаблар аризачи томонидан бажарилмаганда;

агар илгари худди шундай ёки шунга ўхшаш номдаги бошқа рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинган бўлса.

Рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида аризачи бу ҳақда ёзма шаклда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда хабардор қилинади.

Ёзма ёки электрон хабарномада рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш сабаблари, шунингдек аризачи рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин ваколатли давлат органига тақороран мурожаат қилиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Аризачи ваколатли давлат органининг рўйхатга олиш марказини аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

16-модда. Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш

Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

рўйхатга олиш марказининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганда;

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

Рўйхатга олиш марказини қайта аккредитация қилиш рўйхатга олиш марказини аккредитация қилиш қандай тартибда ўтказилган бўлса, худди шундай тартибда амалга оширилади.

Қайта аккредитация қилиш учун рўйхатга олиш маркази қайта аккредитация қилиш ҳақидаги аризани аккредитация қилиш маркази рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунига қадар камда бир ой олдин юборади.

17-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

рўйхатга олиш маркази томонидан қонунчилик, шунингдек ахборот хавфсизлиги стандартлари, нормалари ва қоидаларининг талаблари бузилганлиги аниқланганда;

рўйхатга олиш маркази томонидан ваколатли давлат органининг аниқланган бузилишларни бартараф этиш бўйича мажбуриятни унинг зиммасига юкловчи талаби бажарилмаганда.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини ўн кунгача бўлган муддатга тўхтатиб туриш ваколатли давлат органи томонидан, ўн кундан кўп муддатда, бироқ кўпи билан олти ой муддатга тўхтатиб туриш эса суд томонидан амалга оширилади.

Ваколатли давлат органининг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай рўйхатга олиш марказига гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда etkазилиди.

Суднинг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори рўйхатга олиш марказига қонунчиликда белгиланган муддатларда etkазилиди.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш муддати мазкур гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туришга олиб келган ҳoллар рўйхатга олиш маркази томонидан бартараф этилган тақдирда, гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилган ваколатли давлат органи ёки суд кўрсатилган ҳoллар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида гувоҳноманинг амал қилишни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш даврида рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши ҳам тўхтатиб турилади.

Ваколатли давлат органининг ёки суднинг рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тўхтатиб туриш ҳақидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

18-модда. Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тугатиш

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда ваколатли давлат органининг қарорига кўра тугатилиши мумкин:

рўйхатга олиш маркази рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишни тугатиш ҳақидаги ариза билан мурожаат этганда;

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаганда.

Рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳoлларда суд томонидан тугатилади:

рўйхатга олиш маркази аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳoллар рўйхатга олиш маркази томонидан ваколатли давлат органи ёки суд белгиланган муддатда бартараф этилмаган

